

ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ ФРАЗАЛИ ФЕЪЛЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАРЖИМА МАШАҚҚАТЛАРИ

Қўлдошев Ў.,

СамДЧТИ в.в.б. доценти

АННОТАЦИЯ

Мақолада инглиз тилининг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлган фразали феълларнинг ўрганилиш тарихи, ҳосил бўлиш усуллари ва уларни нутқ жараёнида қўллаш хусусиятлари таҳлил қилинган. Идиомалашган ва идиомалашмаган предлогли бирикмаларнинг чоғиштирма таҳлили келтирилган. Фразали феълларнинг семаник хусусияти, яъни улар иккита сўздан иборат бўлсада семантик яхлитликка эга эканлиги асосланган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: *турғун бирикмалар, фразали феъллар, идиомалар, фразеологик бирликлар, предлогли бирикма, юклама, ўрин алмашиш, идиомалашган, алмаштириш, кенгайтириш, ўрин алмаштириш.*

Инглиз тилини ўрганиш жараёнида ундаги турғун бирикмалар – идиомалар, фразеологик бирликлар ҳамда фразали феъллар ҳақида маълумотга эга бўлиш нафақат ушбу тил борасидаги билимларимизни чуқурлаштиради, балки ушбу тилда сўзлашишни гўзаллаштиради, ўша миллатнинг маданиятига чуқурроқ кириб боришни англатади. Зеро, фразали феълларнинг пайдо бўлиши инглиз халқи тарихи ва маданияти билан чамбарчас боғлиқ.

Инглиз тилшунослигида фразали феъллар нутқнинг тасвирий воситаларидан ҳисобланиб, сўзларнинг ифода тамойилларига зид келади. Улар инглиз тилининг алмаштириб бўлмас тил бирлиги бўлиб, кишида яққолроқ таассурот уйғотиш, фикрни қисқа ва лўнда ифодалаш ҳамда ўқувчида ўзига хос ҳиссий таъсирчанликни яратишга ёрдам беради. Ҳозирги коммуникацион

технологиялар жадал ривожланиб бораётган даврда фразали феъллар коммуникацияни янада таъсирчан ва самаралироқ қилишда аҳамияти катта бўлмоқда.

Инглиз тилидаги фразали феълларнинг тарихи Англо-Саксон даврига бориб тақалади. Герман қабилалари тилларидан сақланиб қолган баъзи феъллар ва равишлар, мисол учун, *be, for-, under-, over-*, қўшма феълларни ташкил этган. Кейинчалик француз ва лотин тилларининг таъсири билан равишлар анча ривожланиб феълга томон яқинлашди ва охир оқибат улар фразали феълларни ҳосил қилдилар. [1, 61 б.]

Фразали феълларнинг идиомалашганлик даражасининг ўзига хос хусусияти шундаки, кўпчилик фразали феъллар (масалан, *take off*) ўзида турли маъно касб этади, яъни улар кўп маъноли ҳисобланади: *-Take your coat off and sit down. (remove). -Some local trains have been taken off. -I took off three kilos last week. (lost weight) -He is very funny when he takes off. (imitate) -Why don't you take off that silly moustache? (shave).* Ушбу мисоллардаги “тақлид қилмоқ” (*humorously imitate*) маъносида келган “*take off,*”нинг маъноси ҳақиқатан ҳам кучли идиомалашган, чунки таркибидаги сўзларнинг маъносидан жумла маъносини тушуниш қийин. Бунга қарама қарши тарзда “*put off*” (*delay*) фразали феълнинг маъноси қисман идиомалашган, чунки унинг маъносини жумла маъносидан келтириб чиқариш мумкин. Яна бир фразали феъл “*speed up*” (*suddenly accelerate*)нинг маъноси эса деярли сезилмас даражада идиомалашган холос.

Демак, таржимон учун ушбу ҳолат жуда катта аҳамият касб этади. Кучли идиомалашган фразали феълларнинг маъносини контекстдан ҳам англаб бўлмаслик сабабли таржимон жуда эҳтиёткор бўлиши ва бевосита фразеологик ёки идиомалар луғатига мурожаат қилиш лозим.

Таржимон фразеологик феъллар билан ишлар экан, у оддий феъл+предлогли бирикма билан фразали феълнинг фарқига бориб, унинг идиомалашган ёки идиомалашмаган бирикма эканлигига эътибор қаратиб ишлаш лозим. Масалан қуйидаги икки мисолда битта бирикма икки хил

вазифада келган, яъни биринчи мисолда оддий феъл+предлог шаклидаги бирикма, иккинчи мисолда эса идиомалашган фразали феълдир: *-She put down the book. (идиомалашмаган оддий бирикма) -The army put down the rebellions. (идиомалашган).* Яна бир мисол, *-She opened her suitcase and packed all her cloths in. -He decided to pack his job in.*

Баъзан, фразали феъл таркибининг ўзгариб келиши ёки сўз тартибининг ўзгариши маънонинг ҳам ўзгаришига олиб келади. Яъни фразали феъл таркибидаги предлогнинг тўлдирувчининг олдида ёки орқасида келиши маънога таъсир қилади: *-He turned on me. (He betrayed me; he attacked me.) - He turned me on. (He excited me.)*

Бундан ташқари олим Мак Артурнинг фикрича фразали феъллар идиомалашган ёки идиомалашмаган маъноларидан ташқари контекстдан келиб чиқиб бошқа турли маънолар ҳам касб этиши мумкин [3, 167 b].

Олимлардан Гарденер ва Девислар фразали феъл ва предлогли феълларни қиёслаб ўрганган: 1) Барча предлогли феъллар воситасиз тўлдирувчи билан келиши керак бироқ фразали феъллар тўлдирувчи олиши шарт эмас. 2) Кўпчилик фразали феълларда юклама феълдан ажратилган ҳолда ишлатилиши мумкин: “figure out something” ва “figure something out”. Лекин тўлдирувчи олмош билан ифодаланганда ёндашув бошқача. Бунга қарама қарши тарзда, предлогли феълларда предлог феълдан ажралган ҳолда қўлланилмайди. 3) Фразали феълларда урғу ҳаминша юкламага тушади: *-He woke *up.* Бироқ, *-*He woke up* эмас. 4) Кўпчилик фразали феъллар нутқда кўп ишлатиладиган кам сонли феъллар (*take, get, put*)дан ҳосил қилинади ва феълга бирикадиган юкламалар ҳам кўп сонли эмас. Предлогли феъллар эса ҳар хил феъллар билан бирикиб келадиган турли предлоглардан ҳосил бўлади.

Фразали феълларга қисқа назар ташлаб келтириб ўтган фикрларимиз асосида қуйидагича хулосаларга келишимиз мумкин: инглиз тилида фразали феълларни қўллаган ҳолда нутқ сўзлаш тилни чуқурроқ ўрганганликдан далолат бериб, кишида яққолроқ таассурот уйғотиш, фикрни қисқа ва лўнда ифодалаш

хамда ўқувчида ўзига хос ҳиссий таъсирчанликни яратишга ёрдам беради. Таржимон фразелогик феъллар билан ишлар экан, у оддий феъл+предлогли бирикма билан фразали феълнинг фарқига бориб, унинг идиомалашган ёки идиомалашмаган бирикма эканлигига эътибор қаратиб ишлаши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Gardner D, and Davis, M. Pointing out Frequent Phrasal Verbs: A Corpse-based Analysis. TESOL Quarterly. 2007. pp.236
2. Kollin M. and Funk R. Understanding English Grammar. 5th ed., Bostin: Allyn and Bacon Press. 1998. pp.183
3. McArthur, T., The Oxford Companion to the English Language. Oxford. New York: Oxford University Press. ed., 1992. pp.334
4. Қулдошов У. Инглиз ва ўзбек тилларида конверсивлик ва антонимлик ҳодисаси //Иностранная филология: язык, литература, образование. – 2021. – №. 3 (80). – С. 67-73.
5. Daminov N. K. SIMULTANEOUS TRANSLATION INTERPRETING AS A MODERN TYPE OF TRANSLATION //Academic research in educational sciences. – 2023. – Т. 4. – №. 2. – С. 77-81.
6. Daminov N. Using some strategies in simultaneous interpreting process //E3S Web of Conferences. – 2023. – Т. 381. – С. 01104.
7. Kasimova A. N., Nurullayeva D. S. H. NEOLOGISMS IN MODERN ENGLISH AND THEIR TRENDS IN WORD FORMATION (BASED ON TEXTS IN THE MEDIA) //Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры. – 2023. – Т. 3. – №. 3. – С. 130-133.
8. Sukhrobovna N. T. AXBOROT TEXNOLOGIYALARDA MATNLARNING GRAMMATIK XUSUSIYATLARI //Gospodarka i Innowacje. – 2022. – Т. 24. – С. 1087-1090.
9. Xidirovich N. X., Daminov N. Q. SINXRON TARJIMON NUTQIGA QO‘YILADIGAN TALABLAR //IJTIMOIY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMIIY JURNALI. – 2023. – Т. 3. – №. 4. – С. 21-27.
10. Сафаров Ш. Тил бирлиги ва воқелик муносабати //Иностранная филология: язык, литература, образование. – 2021. – №. 2 (79). – С. 5-8.